

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1 чорак ижроси тўғрисидаги маълумот.

Туман маҳаллий бюджетининг даромадлар ижроси тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрда қабул қилинган “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сонли қарори билан 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетга **44 331,2 млн.сўм**лик прогноз кўрсаткичлари белгиланди.

Жорий йилда маҳаллий бюджет даромадларининг **1 чорак** прогноз режаси **5 476,3 млн. сўм** белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **6 683,3 млн. сўм**га ёки **122 фоиз**га ижро этилди. Бюджетга қўшимча **1 207,0 млн сўм** даромад туширилди.

Туман маҳаллий бюджетининг харажатлар ижроси тўғрисида.

Туман маҳаллий бюджетини харажатлар қисми 2023 йил 1 чоракда **47 280,5 млн сўм** режалаштирилган бўлиб, режага асосан **44 801,4 млн сўм** маблағлар бегиланган тартибда молиялаштирилиши таъминланди.

Жумладан:

1. Халқ таълими соҳасидаги харажатлар аниқланган режаси 3 638.0 млн сўмни ташкил этиб ҳақиқатда 3 436.8 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

2. Мактабгача таълими соҳасидаги харажатлар аниқланган режаси 4 540.3 млн сўмни ташкил этиб ҳақиқатда 3 957.2 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатлар аниқланган режаси 15 342.0 млн сўмни ташкил этиб ҳақиқатда 14 508.2 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

4. Маданият ва спорт соҳасидаги хизматлар учун аниқланган режа миқдори 1 797.5 млн сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 1 754.2 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

5. Бошқарув харажатлари учун аниқланган режа миқдори 10 503.6 млн сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 9 865.8 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

6. Ижтимоий нафақа харажатлари учун аниқланган режа миқдори 8 014.0 млн сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 7 999.6 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

7. Ободонлаштириш харажатлари учун аниқланган режа миқдори 2 868.3 млн сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 2 734.9 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

8. Бошка сохалар харажатлари учун аниқланган режа миқдори 576.8 млн сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 544.6 млн сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди;

Бугунги кунда туманимизда 6 та Давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ва 58 та Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотилар фаолият юритиб келмоқда. 2023 йил 1 чоракда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлар учун жами 1 590.4 млн сўм Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилди ва белгиланган тартибда молиялаштирилди.

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил йил бошига 1 109,2 млн сўм эркин қолдиқ маблағлари қуйидаги мақсадлар учун йўналтирилди.

Жумладан, “Аёллар дафтари” жамғармасига 179,1 млн сўм, “Ёшлар дафтари” жамғармасига 179,1 млн сўм, “Фуқаролар ташаббуси” жамғармасига 358,1 млн сўм, Туман ҳокимлигининг Е-қарор ва IS-Doclow хизматларидан фойдаланиш харажатлари учун 34,0 млн сўм, Навбахор туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 20 октябрдаги ҳал қилиув қарорлари ижросини таъминлаш харажатлари учун 358,9 млн сўм маблағлар тегишли тартибда халқ депутатлари Нурота туман кенгашининг қарори асосида йўналтирилди.

Жорий йилнинг кейинги чоракларида ҳам маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисми ижроси ортиғи билан бажариш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Ошиқча даромадлар биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида белгиланган тадбирларга, Ҳукумат қарорлари, баёнлари ва дастурлардаги тадбирларга ҳамда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш харажатларига йўналтирилади.

**Нурота туман иқтисодиёт ва
молия бўлими бошлиғи:**



С.Ҳайдаров